

**ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТАСИ ЖАМҒАРМАСИ АНДИЖОН ХУДУДИЙ  
БҮЛИМИ ТОМОНИДАН ХАФТА ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН  
ИШЛАР ТҮҒРИСИДА  
МАЪЛУМОТНОМА**

**14 марта 2025 года**

**Андижон шаҳар**

2025 йилнинг 11 марта куни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси бош мутахассиси А.Арипов ва тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш.Болтабоевлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарори ижроси борасида 2025 йил учун “**Соғлом авлод**” МЧЖ билан шартнома имзоланган. Мазкур қарор бўйича ушбу муассасага бориб МЧЖ раҳбари, тиббиёт ходимлари билан танишиб тушунтириш ишлари олиб борилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Андижон худудий бўлими ходимлари А.Арипов ва Ш.Болтабоевлар 11 - 14 марта кунлари томонидан **Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали** ҳамда **Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида** давлат тиббий суғуртаси механизmlари жорий этиш, ССВнинг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи билан тасдиқланган меъёрий тиббий ҳужжатлар юритилиши ва тиббий ҳужжатларнинг ахборот тизимига киритилиши ҳамда стационар тиббий хизмат кўрсатувчи шифохоналар томонидан Жамғарма билан тасдиқланган шартнома шартлари бажарилишини юзасидан тушунтириш ишлари ўтказилди. Шу билан биргалиқда даволанган беморлар ҳолати бўйича топширилган хисоботлар, клиник-протокол ва стандартлар асосида ҳужжатлар юритилиши бўйича мониторинг ўтказилди. Шифохонада даволаниб чиқкан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни mis.2 ssv.uz. электрон ахборот тизимига шифокорлар томонидан киритишдаги хатоликлар, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муайъян синфларига киритилган ташхислар бўйича киритишдаги хатоликлар кўрилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 11 марта куни А.Арипов томонидан имтиёзли тоифага кирувчи фуқаро **Тўхтиев Алчин Идрисовични Ю.Отабеков номидаги Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси неврология бўлимидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг** неврология бўлимига ўтказилди, ушбу беъморга тўғри ташхис қўйиш учун МРТ ва тиббий лабаратор текширувларини бажарилишини ўз назоратига олди.

Шунингдек, 12 марта куни Давлат тиббий суғурта жамғармаси Андижон вилоят бўлинмаси молиялаштириш бўйича мутахассислари Ё.Хошимов ва

М.Абдуназаровлар томонидан **Вилоят Қон қуиши маркази, Республика Тез тиббий ёрдам маркази Андижон вилоят филиали** бош хисобчиси, иқтисодчиси, хисобчилар билан муассаса бизнес режаси ва штат жадвалларини тахлил қилинди. Молиялаштириш янги механизимини тадбиқ этиш шаклида иш ҳақи харажатлари, дори-дармон ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат махсулотлари, коммунал хизматларга қилинадиган сарф-харажатларни амалга оширишда тушинтириш ишлари олиб борилди.

12-13 март кунлари Ё.Хошимов томонидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Андижон вилояти худудий бўлинмасига ўтказилган 19 та даволаш профилактика муассасаларига "Глобал бюджет усулида" хамда "Глобал бюджет ва ҳар бир даволанганд ҳолат усулида" март ойи учун олдиндан 85% тўлов пул маблағларини ўтказиш учун махаллий Фазначилик бошқармаси мутасадди раҳбар ходимлари билан шахсан учрашиб молиялаштириш чоралари кўрилди.

Жорий йилнинг 13 март куни Давлат тиббий суғурта жамғармаси Андижон вилоят бўлинмаси молиялаштириш бўйича мутахассислари Ё.Хошимов ва М.Абдуназаровлар томонидан **Республика ихтисослаштирилган дермотовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази худудий Андижон филиали** ва ОИТС маркази бош хисобчиси, иқтисодчиси, хисобчилар билан муассаса бизнес режаси ва штат жадвалларини тахлил қилинди. Молиялаштириш янги механизимини тадбиқ этиш шаклида иш ҳақи харажатлари, дори-дармон ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат махсулотлари, коммунал хизматларга қилинадиган сарф-харажатларни амалга оширишда тушинтириш ишлари олиб борилди.

Тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш.Болтабоев 11-13 март кунлари даволанганд беморлар ҳолати бўйича топширилган хисботлар, клиник-протокол ва стандартлар асосида хужжатлар юритилиши бўйича мониторинг ўтказилди. Шифохоналарда даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-ҳ/ш янги шакли)ни mis.2 ssv.uz. электрон ахборот тизимига шифокорлар томонидан киритишдаги хатоликлар, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муайъян синфларига киритилган ташхислар бўйича киритишдаги хатоликларни бартараф этиш чораларини тушунтириб ўтди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Андижон худудий бўлими барча ходимлари 13 март куни соат 18:45 да Андижон МТРК телевидинияси "Гаплашамиз" кўрсатувида жонли эфирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сонли "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чоратадбирлар тўғрисида" қарори мазмун моҳиятини ва тадбиқ этиш Аҳолига

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат тиббий суғуртаси механизмларини кенг оммага тушунтириш бўйича интервью берилди. Жонли эфир жараёнида Андикон МТРК телевидиниясининг маҳсус телеграм ижтимоий тармоғидаги ботга фуқаролардан келаётган саволларга жавоб берилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси  
Андижон худудий бўлими бош мутахассиси

А.Арипов